

www.arabic.uz كۈتۈبخوناسى

كافيه

للعلامة ابن الحاجب رحمه الله
(٥٧٠-٦٤٦ هـ)

مع التعليقات
الوافية بمقاصد الكافية

للعبد الضعيف
سعيد أحمد بن يوسف البالن بوري

طشقند - ٢٠١٤

Аллома ибн Ҳожиб роҳимаҳуллоҳ

Қофия

(Араб тили наҳв фанидан дарслик)

Таржимон:
Абу Муҳаммад

Мусахҳиҳ:
Анвар Аҳмад

Тошкент
2014

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

المبادئ

АСОСЛАР

الكَلِمَةُ: لَفْظٌ وَضِعَ لِمَعْنَى مُفْرَدٍ.

Маъноси: *Калима муфрад (биргина) маъно учун таъйин қилинган лафздир.*

Шарҳ: Наҳв илми бу уч турли (исм, феъл, ҳарф) калималарнинг охирини эъроб ва бино жиҳатидан ҳолатлари ўрганилувчи илмдир. Шунингдек, бу илм орқали калималарнинг баъзиси ила баъзисининг таркиб топиши ўрганилади.

Мавзуси: Калима ва калом.

Бу илмни ўрганишдан мақсад араб тилида гапирганда зеҳни лафзий хатодан сақлашдир. Мусанниф роҳимаҳуллоҳ китобни калима ва каломнинг таърифидан бошлаган. Лафз бу инсон талаффуз қиладиган нарса бўлиб, ҳақиқий ва ҳукмий, маъносиз айтилган ва бирор мақсад кўзланиб айтилган, муфрад ва мураккабга бўлинади. Таъйин қилиниш (وَضْعٌ), бу бир нарсани иккинчи нарсага таъйин қилиш ва у ила буни хослашки, бир нарса ҳақида хабар берилганда, унга боғлиқ бўлган иккинчи нарсани ҳам фаҳмлашдир.

Масалан: “Зайд” сўзи муайян бир кишига, “қалам” сўзи ёзув қуролига далолат қилади. Маъно (مَعْنَى) сўзи مَعْنَى сўзидан енгиллатиб олинган бўлиб, مَرْمِيْغا ўхшаб исми мафъулдир.

عَنْ بِالْقَوْلِ كَذَا “Гапи ила "казо"ни назарда тутди” яъни, ирода қилди, қасд қилди маъносида.

مَعْنَى бу бирор нарса ила қасд қилинган ва лафз унга далолат қилган нарсадир.

Муфрад (مُفْرَدٍ) бу ерда مَعْنَىга васф бўлгани учун мажрурдир, у лафзнинг бирор жузъи маънонинг бирор жузъига далолат қилмаслигидир.

Масалан: كِتَابٌ، قَلَمٌ، فَرَسٌ сўзларининг бирор жузъи ҳеч қандай маънога далолат қилмайди.

Калима (الكَلِمَةُ) бу муфрад (биргина) маъно учун ишлатилувчи лафздир. “Маъно учун таъйин қилинган” деганидан маъносиз айтилган сўзлар калима бўлмаслиги келиб чиқади.

Масалан دَيْرٌ сўзи калима эмас чунки маъно учун ишлатилмайди. Бу сўзнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Муфрад (биргина) сўзидан калима (الكَلِمَةُ) калом (كَلَامٌ) эмаслиги чиқади, чунки калом муфрад бўлмаган маънога далолат қилади.

Аммо аллома Замахшарий “Муфассал”да айтадилар: “Калима ишлатилиши ила муфрад маънога далолат қиладиган биргина лафздир”. У киши ушбу таърифларида لَفْظٌ сўзини لَفْظَةٌ деб ишлатганлар (биргина), шунинг учун у кишининг наздларида عَبْدُ اللَّهِ калима эмас, аммо мусанниф наздида عَبْدُ اللَّهِ калимадир, чунки у лафзнинг бир дона

бўлишини шарт қилмаган, балки маънонинг биргина (муфрад) бўлишини шарт қилган.

وَهِيَ اسْمٌ وَفِعْلٌ وَحَرْفٌ

Маъноси: Ва у (калима) исм, феъл ва ҳарфдир.

لِأَنَّهَا: إِمَّا أَنْ تَدُلَّ عَلَى مَعْنَى فِي نَفْسِهَا أَوْ لَأَنَّ الثَّانِي الحَرْفُ

Маъноси: Чунки у (калима) ўзидаги маънога далолат қилади ёки йўқ. Ўзидаги маънога далолат қилмайдигани, (яъни иккинчи қисмга) ҳарф киради.

Шарҳ: فِي نَفْسِهَا дегани калиманинг ичидагидир, яъни калиманинг ўзи унга бирор бошқа сўз қўшилмаган ҳолда ҳамда бошқа сўзга ҳожат тушмаган ҳолда ўзи маънога далолат қилади, чунки у фаҳмланиш жиҳатидан мустақилдир. فِي نَفْسِهَا сўзи сифатдир.

وَالأَوَّلُ: إِمَّا أَنْ يَقْتَرِنَ بِأَحَدِ الأُزْمَةِ الثَّلَاثَةِ أَوْ لَأَنَّ الثَّانِي: الاسمُ، والأوَّلُ: الفِعْلُ

Маъноси: Ўзидаги маънога далолат қиладигани (яъни юқоридаги аввалги қисмдаги) уч замондан бирига муқтарин бўлади ёки йўқ. Уч замондан бирига муқтарин бўлмайдигани (яъни бу ердаги иккинчи қисм) исмдир. Уч замондан бирига муқтарин бўладигани (яъни бу ердаги биринчи қисм) феълдир.

Шарҳ: يَفْتَرِنَ (муқтарин бўлиш) калиманинг ичидаги маънодир, بِالْأَحَدِ الْأُزْمَنَةِ الثَّلَاثَةِ бу мозий (ўтган замон), музореъ (ҳозирги замон ва келаси замон). Феъл бўлган калима ила қасд қилинган маъно фаҳмланганида, у ила ушбу уч замондан бири ҳам унга муқтарин бўлган ҳолда фаҳмланади.

قَدْ عَلِمَ بِذَلِكَ حَدُّ كُلِّ وَاحِدٍ مِنْهَا

Маъноси: Шу билан уларнинг (исм, феъл, ҳарф)нинг ҳар бири чегараси маълум бўлди.

Шарҳ: Юқоридаги таърифлар ила калиманинг уч қисмга бўлиниши, уларнинг қандай қилиб таниб олиш билинади.

الكَلَامُ: مَا تَضَمَّنَ كَلِمَتَيْنِ بِالْإِسْنَادِ، وَ لَا يَتَأْتَى ذَلِكَ إِلَّا فِي السَّمِيِّنِ أَوْ اسْمٍ وَفِعْلٍ.

Маъноси: Калом бу икки калимани исноди ила ўз ичига олган жумладир. Бу нарса фақатгина икки исм ёки бир исм ва бир феъл билангина ҳосил бўлади.

Шарҳ: إِسْنَادٌ бу икки калиманинг бир – бирига ҳақиқатан ёки ҳукман нисбат берилиши бўлиб, ўша каломни эшитган инсон тўлиқ бир маъно тушиниб олиши керак. الكَلَامُ бу икки ёки ундан кўп калималардан ташкил топган, гапириб

бўлингандан сўнг тўлиқ маъно ифодаловчи жумладир. Масалан: “Зайд турувчи”, “Зайд турди”.

الكَلِمَتَانِ (икки калима) гоҳида бир калима зоҳир, бир калима мустатир (беркитилган) бўлади.

Масалан меҳмон келса, أَنْتَ تَفْضُلُ дейилади, бу аслида أَنْتَ تَفْضُلُ бўлиб, أَنْتَ мустатирдир.

Калом камида икки исм ёки бир исм ва бир феъл ила ҳосил бўлади, улардан бири муснад бошқаси муснадун илайҳдир.

Масалан: زَيْدٌ قَائِمٌ (Зайд турувчи) каломида قَائِمٌ муснад (суянтирилган, кесим), زَيْدٌ муснадун илайҳдир (унга суянтирилган, эга).

بَحْثُ الْإِسْمِ

ИСМ БАҲСИ

الْإِسْمُ: مَا دَلَّ عَلَى مَعْنَى فِي نَفْسِهِ، غَيْرَ مُقْتَرِنٍ بِأَحَدِ الْأَزْمِنَةِ الثَّلَاثَةِ.

Маъноси: Исм бу ўзидаги маънога далолат қилган ва уч замондан бирортасига муқтарин бўлмаган калимадир.

Шарҳ: فِي نَفْسِهِ даги ه замири маънога қайтади, мадан мурод калимадир. غَيْرٌ мажрур бўлиб, عَلَى маънога сифатдир, яъни ушбу маъно уч замондан бирортасига муқтарин эмас.

وَمِنْ خَوَاصِّهِ: دُخُولُ اللَّامِ وَالْجُرُّ وَالتَّنْوِينُ وَالْإِسْنَادُ إِلَيْهِ وَالْإِضَافَةُ.

Маъноси: Хусусиятларидан: “лом” кириши, жор бўлиши, танвин олиши, муснадун илайҳ (унга суянтирилган, эга) бўлиши, изофа бўлиши.

Шарҳ: خَوَاصِّهِ сўзи خَاصَّةًнинг жамъи бўлиб, бир нарсанинг хоссаси, яъни хусусияти деганидир. У ўша нарса билан бошқалардан ажралиб туришига далолат қилади. Бу сўзни кўплик жамъ сийғасида келтириб, мусанниф раҳимахуллоҳ исмнинг хоссалари кўплигига ишора қилмоқчи ва مِنْ (бу ерда “-дан” кўшимчаси ўрнида келган, кўп нарсалардан баъзисини ажратиб кўрсатиш учун ишлатилувчи تَبْعِيضٌ) ҳарфи ила исмнинг баъзи хоссаларинигина зикр қилаётганини билдирмоқчи.

دُخُولُ اللَّامِ бу таъриф “лом”нинг кириши бўлиб, мусанниф раҳимахуллоҳ бу ерда Сийбавайҳ мазҳабини ихтиёр қилганига ишора этмоқчи. Сийбавайҳнинг наздида таъриф адоти бу “лом”нинг ўзи бўлиб, унга васл ҳамзаси сўзни сукун ила бошлаш мумкин бўлмаганидан киргандир. Холийл ибн Аҳмад раҳимахуллоҳ наздида таъриф адоти, бу “алиф лом”дир. Мубаррод раҳимахуллоҳ наздида таъриф адоти бу “алиф”дир, унга “лом” истифҳом ҳамзасидан ажратиш учун кўшилган. Жор аломати жорнинг асари бўлгани учун фақатгина исмга хосдир, чунки ҳарфи жор ҳам фақатгина исмга хосдир. الْجُرُّ бу ерда اللَّامга ёки دُخُولُга маътуф. التَّنْوِينُ (танвин) беш қисмдир, унинг баёни китобнинг охирида келади. الْإِسْنَادُ إِلَيْهِ муснадун илайҳ (унга суянтирилган,

эга), у ҳақида хабар берилувчи дегани. **الإضافة** бу тақдирдаги ҳарфи жор ила изофа бўлишидир.

وَهُوَ مُعْرَبٌ وَمَبْنِيٌّ، فَالْمُعْرَبُ: الْمُرَكَّبُ الَّذِي لَمْ يُشْبِهْ مَبْنِيَّ الْأَصْلِ.

Маъноси: У (исм) мўъроб ва мабнийдир.

Мўъроб: асл мабнийга ўхшамаган мураккабдир.

Шарҳ: **المُرَكَّبُ** бу исм бўлиб, ўзидан бошқа ила таркиб жиҳатидан таркиб топган ва унинг омили ўзи билан омил бўлгандир. Шунда, аслида мураккаб бўлмаган баъзи санокли исмлар ушбу таърифдан чиқиб қолади.

Масалан: **بَا** **زَيْدٌ**, **عَمْرُو**, **تَا**, **بَا** яна ўзидан бошқа ила таркиб жиҳатидан таркиб топган аммо унинг омили ўзи билан омил бўла олмайдиган мураккаб исм ҳам таърифдан чиқиб қолади. Масалан: **عَلَامٌ** **عَلَامٌ** **زَيْدٌ** калимаси каби, буларнинг ҳаммаси мусанниф раҳимаҳуллоҳ наздида мабнийётлар жумласидандир. **لَمْ** **يُشْبِهْ** бу муносиб келмайдиган, ўхшамайдиган деганидир.

الْبِنَاءِ аслдир, **الْمَبْنِيَّ الْأَصْلِ** изофаси бу ерда баён қилиб бериш учун ишлатилган. **الْمَبْنِيَّ الْأَصْلِ** бу мозий феъли, “лом”сиз амр ва ҳарфдир. Мабний ҳақида ўз ўрнида гапирилади.

حُكْمُهُ: أَنْ يَخْتَلِفَ آخِرُهُ بِاخْتِلَافِ الْعَوَامِلِ: لَفْظًا أَوْ تَقْدِيرًا.

Маъноси: Унинг ҳукми: омиллар турланиши сабабидан калималарнинг охири турланишидир. Ушбу турланиш лафзан ёки тақдиран бўлади.

Шарҳ: جَاءَ زَيْدٌ، رَأَيْتُ زَيْدًا، مَرَرْتُ بِزَيْدٍ сўзи لَفْظًا أَوْ تَقْدِيرًا сўзи يَخْتَلِفُ сўзи га нисбатан тамйиз бўлгани учун насб қилинган.

Лафзий ихтилофга мисол: جَاءَ زَيْدٌ، رَأَيْتُ زَيْدًا، مَرَرْتُ بِزَيْدٍ.

Тақдирий ихтилофга мисол:

جَاءَ هُوَ لَأَمْ، مَرَرْتُ بِهُوَ لَأَمْ، رَأَيْتُ هُوَ لَأَمْ.

الإِعْرَابُ: مَا اخْتَلَفَ آخِرُهُ بِهِ، لِيُدُلَّ عَلَى الْمَعَانِي الْمُعْتَوِرَةِ عَلَيْهِ.

Маъноси: Эъроб шундай ҳаракат ёки ҳарфдирки, мўъроб исм ўз ичига олган маъноларга далолат қилиши учун мўъроб исмнинг охири ўша эъроб билан ҳар турлик бўлишидир.

Шарҳ: مَا бу ҳаракат ёки ҳарфдир, آخِرُهُ бу мўъробнинг охири, هُндаги ه замири مَاга қайтади, لِيُدُلَّнинг фоили مَاдир, الْمَعَانِي бу фоиллик, мафъуллик, изофалик маъноларидир, الْمُعْتَوِرَةِ бу исми фоил сийғасида келган исм бўлиб, “қамраб олиш, эгаллаб олиш” маъноларида ишлатилади, عَلَى الْمَعَانِي الْمُعْتَوِرَةِ عَلَيْهِ сўзи га мутаъаллик. الإِعْرَابُ бу ҳарф ёки ҳаракат бўлиб, улар ила мўъробнинг охири турлича ўзгаради ва мўъроб ўз ичига олган фоилият, мафъулийят ва бошқа маънолар эъроб орқали англанади.

وَأَنْوَاعُهُ: رَفْعٌ، وَنَصْبٌ، وَجَرٌّ
 فَالرَّفْعُ: عِلْمُ الْفَاعِلِيَّةِ
 وَالنَّصْبُ: عِلْمُ الْمَفْعُولِيَّةِ
 وَالْجَرُّ: عِلْمُ الْإِضَافَةِ

Маъноси: Унинг, яъни эъробнинг навълари: рафъ, насб, жордир.

Рафъ: фоилийят алами.

Насб: мафъулийят алами.

Жор: изофа алами.

Шарҳ: Бу исмлар мўъробнинг исмларидир. Мабний эъробларининг лақаблари وَفَتْ، كَسْرٌ، فَتْحٌ، ضَمٌّ (замма, фатҳа, касра ва сукун)дир. Бу ҳақда ўз ўрнида сўз юритилади. Аммо الْكَسْرَةُ، الْفَتْحَةُ، الضَّمَّةُлар (“алиф лом” билан келган) мўъроб ва мабнийда муштаракдир. (Мабний исмни нимага мабний эканлигини айтаётганда عَلَى الضَّمَّةِ дейилади, عَلَى الضَّمَّةِ дейилмайди).

الْعَامِلُ: مَا بِهِ يَتَقَوَّمُ الْمَعْنَى الْمُقْتَضِي لِلْإِعْرَابِ

Маъноси: Омил бу эъробни тақозо қилувчи маънони қувватлантирувчидир.

Шарҳ: Омил бу, лафзий бўлсин ёки маънавий бўлсин, эъробни тақозо қилувчи фоилийят, мафъулийят ва изофалардан иборат маъноларни ҳосил қилувчидир.

Масалан **جاءَ زَيْدٌ** жумласидаги **جاءَ**га омил, чунки у сабабли **زَيْدٌ**да фоилийят ҳосил бўлмоқда, яна **رَأَيْتُ زَيْدًا** жумласида **رَأَيْتُ**га омил, чунки у сабабли **زَيْدٌ**да мафъулийят ҳосил бўлмоқда, яна **مَرَرْتُ بِزَيْدٍ** жумласидаги **ب** харфи **زَيْدٍ**га омил, чунки у сабабли **زَيْدٍ**да изофа ҳосил бўлмоқда.

[أَنْوَاءُ إِعْرَابِ الْأِسْمِ الْمُتَمَكِّنِ]

МУТАМАККИН ИСМ ЭЪРОБИНИНГ ТУРЛАРИ

Шарҳ: Исм, мутамаккин ва ғойри мутамаккинга бўлинади. Мутамаккин исм бу мўъроб исм, ғойри мутамаккин исм бу мабний исмдир.

Мутамаккин исм эъробининг турлари тўққизтадир: аввалги учтаси лафзий ҳаракат ила эъробланади, кейинги учтаси ҳам лафзий ҳарфлар ила эъробланади, охириги учтаси тақдирий эъроб ила эъробланади.

فَالْمُفْرَدُ الْمُنْصَرَفُ، وَالْجَمْعُ الْمُمْكَّرُ الْمُنْصَرَفُ: بِالضَّمِّ رَفْعًا، وَالْفَتْحَةَ نَصْبًا، وَالْكَسْرَةَ جَرًّا.

Маъноси: Мунсариф муфрад, мунсариф жамъи мукассар: замма ила рафъ, фатҳа ила насб, касра ила жор бўлади.

Шарҳ: بِعَرَابٍ مُّفْرَدٍ الْمُنْصَرِفِ: бу 'رَجُلٌ زَيْدٌ' каби мусанно ҳам, жамъ ҳам, ғойри мунсариф ҳам бўлмаган муфрад исмдир.

بِعَرَابٍ جَمْعِ الْمُنْصَرِفِ: бу 'طَلَبَةٌ رِجَالٌ' каби бирлик кўринишида бўлган аслий ҳарфлари иллат ҳарфларидан бўлмаган ва ғойри мунсариф бўлмаган исмдир. Ушбу икки қисмдаги эъроб рафъ ҳолатида замма ила, масалан: 'جَاءَنِي زَيْدٌ/طَلَبَةٌ'; насб ҳолатида фатҳа ила, масалан: 'رَأَيْتُ رِجَالًا/طَلَبَةً'; жор ҳолатида касра ила, масалан: 'مَرَرْتُ بِرِجَالٍ/طَلَبَةٍ' бўлади.

جَمْعُ الْمُؤَنَّثِ السَّالِمِ: بِالضَّمِّ وَالْكَسْرِ

Маъноси: Жамъи муаннаси солим (фақатгина) замма ва касра ила (эъробланади).

Шарҳ: بِعَرَابٍ جَمْعِ الْمُؤَنَّثِ السَّالِمِ: бу охири 'ات' бўлиб тугайдиган исмдир. Бу, рафъ ҳолатида замма ила, масалан: 'جَاءَتْنِي مُسْلِمَاتٌ'; насб ва жор ҳолатида касра ила, масалан:

بِعَرَابٍ جَمْعِ الْمُؤَنَّثِ السَّالِمِ: 'رَأَيْتُ مُسْلِمَاتٍ، مَرَرْتُ بِمُسْلِمَاتٍ' белгиланади. Бунда насб жорга тобеъдир.

غَيْرُ الْمُنْصَرِفِ: بِالضَّمِّ وَالْفَتْحَةِ

Маъноси: Ғойри мунсариф (фақатгина) замма ва фатҳа ила (эъробланади).

Шарҳ: بِعَيْرِ الْمُنْصَرِفِ бу тўққиз иллатдан икки иллат мавжуд бўлган ёки бир иллат бўлиб, иккиси ўрнини босувчи бўлган исмдир. Рафъ ҳолатида эъроби замма ила бўлади.

Масалан: جَاءَنِي أَحْمَدُ каби. Аммо насб ва жор ҳолатида фатҳа ила бўлади: مَرَرْتُ بِأَحْمَدَ، رَبَّيْتُ أَحْمَدَ، каби. Жор бу ерда насбга тобеъдир.

أَبُوكَ، وَأَخُوكَ، وَحَمُوكَ، وَهَنُوكَ، وَفُوكَ، وَذُو مَالٍ: مُضَافَةٌ إِلَى غَيْرِ يَاءِ الْمُتَكَلِّمِ: بِالْوَاوِ،
وَالْأَلِفِ، وَالْيَاءِ.

Маъноси: أَبُوكَ (отанг), أَخُوكَ (аканг), حَمُوكَ (қайин отанг), هَنُوكَ (нарсанг), فُوكَ (оғзинг), ذُو مَالٍ (мол эгаси), ушбу сўзлар “ё” мутакаллимга изофа қилинмаган ҳолда ي، ا، و، ила эъробланади.

Шарҳ: Асмой ситта (олти исм)нинг тасғир қилинмаган, бирлик ҳамда ي мутакаллимга изофа қилинмаган ҳолатда бўлганда рафъ و ила, масалан: جَاءَ أَخُوكَ، أَبُوكَ، حَمُوكَ، هَنُوكَ، فُوكَ، ذُو مَالٍ; насб ҳолатида ا ила, масалан: رَبَّيْتُ أَخَاكَ، أَبَاكَ، حَمَاكَ، هَنُوكَ، فُوكَ، ذَا مَالٍ; жор ҳолатида ي ила, масалан: مَرَرْتُ بِأَخِيكَ، بِأَبِيكَ، بِحَمِيكَ، بِهَنِيكَ، بِفِيكَ، بِذِي مَالٍ деб эъробланади.

حَمُوكَнинг ك ҳарфи касра ила бўлади, чунки фақатгина келиннинг қайин отасига нисбатан ишлатилади. Исми тасғирлари ҳаракатлар ила эъробланади, масалан:

جَاءَنِي أَخِيكَ، رَبَّيْتُ أَخِيكَ، مَرَرْتُ بِأَخِيكَ. Буларнинг мусанно ва жамълари, тасния ва жамънинг эъроби ила эъробланади.

Аслида музоф бўлмаганнинг эъроби ҳаракат ила бўлади, масалан: جَاءَنِي أَخٌ، رَأَيْتُ أَخًا، مَرَرْتُ بِأَخٍ.

ي мутакаллимга изофа қилингандагининг ҳолати унга изофа қилинган ҳар қандай исмнинг ҳолати каби бўлади.

المُثَنَّى وَكَلَامًا: مُضَافًا إِلَى مُضَمَّرٍ، وَاثْنَانِ، وَاثْنَتَانِ: بِالْأَلِفِ وَالْيَاءِ.

Маъноси: Мусанно, замирга изофа қилинган كَلَامًا ва اثْنَانِ ва اثْنَتَانِлар а ва ي ила эъробланади.

Шарҳ: Мусанно, замирга изофа қилинган ҳолдаги كَلَامًا, كَلِمَاتُهُمَا, كَلِمَاتُهُمَا, كَلِمَاتُهُمَا, كَلِمَاتُهُمَا ларнинг эъроби (буларнинг ҳаммаси мусаннога мулҳақ қилинган) рафъ ҳолатида а ила бўлади.

Масалан: جَاءَ رَجُلَانِ، كِلَاهُمَا، كِلَاتُهُمَا، اثْنَانِ، اثْنَتَانِ.

Насб ва жор ҳолатларида ўзидан олдинги ҳарф фатҳали бўлган ي ила бўлади.

Масалан:

رَأَيْتُ رَجُلَيْنِ / كِلَيْهِمَا / كِلْتَيْهِمَا / اثْنَيْهِمَا / اثْنَتَيْهِمَا / نِسْتَيْهِمَا
مَرَرْتُ بِرَجُلَيْنِ / بِكِلَيْهِمَا / بِكِلتَيْهِمَا / بِاثْنَيْهِمَا / بِاثْنَتَيْهِمَا / بِنِسْتَيْهِمَا

جَمْعُ الْمُدَّكَرِ السَّلَامِ، وَأَوْلُو، وَعِشْرُونَ وَأَخَوَاتُهَا: بِالْوَاوِ وَالْيَاءِ.

Маъноси: Жамъи музаккари солим, **عِشْرُونَ**, **أُولُو** ва унинг ахавотлари **و** ва **ي** ила эъробланади.

Шарҳ: (وَن) ила жамъ қилинувчи жамъи музаккари солим, **وَدُون**нинг жамъи аммо лафзи ундан фарқли бўлгандир. **عِشْرُونَ** ва унинг **ثَلَاثُونَ**дан то **تِسْعُونَ**гача бўлган еттита ахавотлари рафъ ҳолатида **و** ила бўлади. Масалан:

جَاءَ مُسْلِمُونَ، أُولُو مَالٍ، عِشْرُونَ إِخ.

Насб ва жор ҳолатларида ўзидан олдинги ҳарф касрали бўлган **ي** ила бўлади. Масалан:

رَأَيْتُ مُسْلِمِينَ، أُولِي مَالٍ، عِشْرِينَ وَإِخ؛ وَمَرَرْتُ بِمُسْلِمِينَ، بِأُولِي مَالٍ، بِعِشْرِينَ وَإِخ.

التَّقْدِيرُ: فِيمَا تَعَدَّرَ، كَعَصَا وَغَلَامِي مُطْلَقًا.

Маъноси: (Эъроб) **عَصَا** каби узрли бўлганда ва **غُلَامِي**да мутлоқ ҳолда (тақдирдадир).

Шарҳ: **التَّقْدِيرُ** бу эъробни тақдир қилиш ва фараз қилиш, деганидир, уни “эъробни тақдирий” деб номлаш аълороқдир. **عَصَا** сўзи каби охири алиф ила тугалланувчи мўъроб исми мақсур ва **غُلَامِي**, **كِتَابِي** каби **ي** мутакаллимга изофа қилинган исмнинг эъробни зоҳир бўлиши мумкин бўлмагани сабабидан мутлақ тақдирда бўлади, яъни уч ҳолатда (рафъ, насб, жорда бўлади). Исми мақсурда алиф ҳаракат олмайди,

ي мутакаллимга изофа қилинган исмда ي мутакаллимдан олдинги ҳарф касра ила машғул бўлгани учун у бошқа ҳаракат олмайди.

أَوْ اسْتُنْفِلَ، كَقَاضٍ: رَفْعًا وَجَرًّا.

Маъноси: قَاضٍ каби (эъроб ҳаракати) талаффузга оғир бўлганда рафъ ва жорда (тақдирда бўлади).

Шарҳ: Манқус исмнинг эъроби: ушбу исмнинг охирида ўзидан олдинги ҳарф касрали бўлган ي келади, бу ي қазий, الرّاعي، الحامي، القاضِي, رَاعٍ، حَامٍ сўзларидаги каби икки сукуннинг учрашмаслиги учун ҳазф қилинган бўлиши мумкин ёки қазий, الرّاعي، الحامي сўзларидаги каби ҳазф қилинмаган бўлиши мумкин. Унинг эъроби рафъ ва жор ҳолатларида тақдирий бўлади насб ҳолатида эмас, га фатҳа эмас, замма ва касра оғирлик қилади, масалан:

جَاءَ الْقَاضِي، رَأَيْتُ الْقَاضِي، مَرَرْتُ بِالْقَاضِي.

وَنَحْوُ مُسْلِمِي: رَفْعًا، وَاللَّفْظِيُّ فِيمَا عَدَاهُ.

Маъноси: مُسْلِمِي кабида (эъроб ҳаракати) рафъда (тақдирда) бўлади, ундан бошқаларида (насб ва жор) лафзий бўлади.

Шарҳ: مُسْلِمِي каби ي мутакаллимга изофа қилинган жамъи музаккари солимининг эъроби: рафъ ҳолатидагина тақдирда бўлади холос, ундан бошқа ҳолатларда лафзий бўлади, рафъ ҳолатига мисол: جَاءَنِي مُسْلِمِي, аслида бу изофа сабабли “нун”нинг тушиб кетишидан сўнг مُسْلِمُوِي кўринишида эди. و ва ي бир жойда жам бўлди, улардан биринчиси сукунли, бас (сарф қоидасига биноан) و га айланди, икки ي бир – бирига идғом қилиниб, ундан олдинги ҳарф касрали қилинди. Лафздаги рафъ аломати бўлган و қолмади ва эъроб рафъ ҳолатида тақдиран бўлди.

رَأَيْتُ مُسْلِمِي, مَرَرْتُ بِمُسْلِمِي: аслида бу ерда изофа сабабли “нун”нинг тушиб кетишидан сўнг مُسْلِمِي кўринишида эди. Икки ي бир – бирига идғом қилинди, бу идғом ي ни ўз ҳақиқатидан чиқармайди, идғом қилинган ي ҳам يدир. Ушбу икки эъроб (насб, жор) лафзийдир.

سُؤِي سَؤِيغا маътуфдир, яъни бу суратдаги эъробнинг тақдирда бўлиши ҳам талаффузга оғирлик қилгани учундир, رَفَعًا فِيهَا عَدَاهُ, яъни бу ҳолатдаги тақдирий эъроб фақат рафъ ҳолатида бўлади, насб ва жор ҳолатида лафзий бўлади. Ушбу замир юқоридаги التَّقْدِيرُга қайтарилиши ҳам мумкин, бунда насб ҳолатидаги манқус исмининг эъробига ишора бўлади, у ҳам лафзийдир.

[غَيْرُ الْمُنْصَرَفِ]

ҒОЙРИ МУНСАРИФ (САРФЛАНМАЙДИГАН ИСМ)

غَيْرُ الْمُنْصَرَفِ: مَا فِيهِ عِلَّتَانِ مِنْ تِسْعَةٍ، أَوْ وَاحِدَةٌ مِنْهَا: تَقُومُ مَقَامَهُمَا.

Маъноси: Ғойри мунсариф бу тўққиз иллатдан иккисини ёки икки иллатнинг ўрнини босувчи бир иллатни ўзида мужассам қилган исмдир.

وَهْيَ: (شَعْرٌ):

عَدْلٌ وَوَصْفٌ وَتَأْنِيثٌ وَمَعْرِفَةٌ

وَعُجْمَةٌ، ثُمَّ جَمْعٌ، ثُمَّ تَرْكِيْبٌ

وَالنُّونُ زَائِدَةٌ، مِنْ قَبْلِهَا أَلِفٌ

وَوَزْنُ الْفِعْلِ، وَهَذَا الْقَوْلُ تَقْرِيْبٌ.

Маъноси: шеър:

Адлдир васфдир таънис ва марифа,

Ажамдир кейин жамъдир кейин таркиб,

Ва зоида “нун”дир ундан олдин “алиф”,

Ва феълнинг вазнидир, бу гап тақрибандир.

Шарҳ: وَالنُّونُ زَائِدَةٌ، مِنْ قَبْلِهَا أَلِفٌ бу ерда озгина кенгчиликка йўл берилгандир, чунки иллат ن ва ا нинг бирлашишидадир. زَائِدَةٌ ҳол бўлгани учун мансубдир, яъни “нун”ни сарф бўлишдан

зоида бўлган ҳолда манъ қилади. **أَلْفٌ** хабари муқаддам, мубтадои муаххар, бу ерда ҳам озгина кенгчиликка йўл берилгандир. Чунки, бу жумладан “алиф”нинг зоида экани тушунилмайди, аслида эса “алиф” ҳам зоидадир. Шунинг учун бу ҳақда “икки зоида “алиф ва нун”” дейилади. Агар бу ерда **أَلْفٌ** сўзи **زَائِدَةٌ**га фоил қилиниб, зарфни **زَائِدَةٌ**га мутаъаллиқ қилинса ва шу ила “нун”дан олдин “алиф”нинг зоидалиги ила уларнинг зиёдалик васфида муштаракликлари ва шу васфда “алиф”нинг ундан олдин келиши ирода қилинса, икковларининг зоидалиги тушунилади.

مِثْلُ: عُمَرَ، وَأَحْمَرَ، وَطَلْحَةَ، وَزَيْنَبَ، وَإِبْرَاهِيمَ، وَمَسَاجِدَ، وَمَعْدِيكَرِبَ، وَعِمْرَانَ، وَأَحْمَدَ.

Маъноси: Масалан: Умар, қизил, Толҳа, Зайнаб, Иброҳим, масжидлар, Маъдийкариба, Имрон, Аҳмад.

Шарҳ: Бу ерда мисоллар юқоридаги шеърда келган тартибда зикр қилинган.

وَحُكْمُهُ: أَنْ لَا كَسْرَةَ وَلَا تَنْوِينَ.

(قاعدة) وَبِجُوزِ صَرْفِهِ لِلضَّرُورَةِ، أَوْ لِلتَّنَاسُبِ، مِثْلُ (سَلَا سَلًا وَأَغْلَا لًا).

(فائدة) وَمَا يَقُومُ مَقَامَهُمَا: الْجُمْعُ، وَاللَّفَا التَّانِيثِ.

Маъноси: Ҳукми: касра ва танвин бўлмаслиги.

Қоида: зарурат ёки мутаносибликнинг риояси учун сарф қилиш жоиз бўлади, масалан: (سَلَا سِلًا وَأَعْلَالًا).

Фойда: Уларнинг (яъни иллатларнинг) иккисининг ўрнини босувчилар: жамъ ва таъниснинг икки алифи.

Шарҳ: “Уларнинг (иллатларнинг) иккисининг ўрнини босувчилар: жамъ ва таъниснинг икки алифидир”, яъни тўққиз иллатдан икки иллатнинг ўрнини босувчи бир иллатдир. Улар: “мунтаҳал жумуъ” сийғасидаги жамъ: مَسَاجِدُ ва мақсура ва мамдуда бўлган икки таънис “алиф”ларидир: حَمْرَاءُ، حُبْلَى

(۱-) فَالْعَدْلُ: خُرُوجُهُ عَنْ صِيغَتِهِ الْأَصْلِيَّةِ: تَحْقِيقًا، كَثَلَاتٌ، وَمَثَلَتْ، وَأُخْرَ، وَجُمِعَ، أَوْ تَقْدِيرًا، كَعَمْرٍ، وَبَابِ قَطَامٍ فِي (بَنِي) تَمِيمٍ.

Маъноси: (1—) Адл: (калиманинг) аслий сийғадан чиқиши:(у икки хилдир) таҳқиқан: عَمْرٌ، بَابِ قَطَامٍ، تَقْدِيرًا، كَعَمْرٍ، وَأُخْرَ، وَجُمِعَ.

Шарҳ: الْعَدْلُ калимаси мафъулга мабний масдардир, яъни “адл” деб ўзгартирилган исмга айтилади (مَعْدُولٌ).

عَدْلٌ бобидан бўлиб, масдари عَدْلًا ва عُدُولًا бўлади, маъноси مَاَل каби “мойил бўлди, оғди” бўлади, عَنِ الطَّرِيقِ маъноси: “Йўлдан оғди” бўлади. الْعَدْلُ яъни مَعْدُولٌ исмининг асл сийғасидан таҳқиқан ё тақдиран чиқиши, яъни исмининг аслийлик тақозо қилган суратидан чиқишидир. Қоида

бўйича эса, исм ўша суратда бўлиши керак. Таҳқиқан бўлиши ҳақида: бунинг маъноси аниқ (тақдирда бўлмаган) аслдан чиқиши керак ва сарфдан манъ қилмайдиган далил унга далил бўлиши керак: *ثَلَاثٌ*, *مَثَلَتْ*; уларнинг асл эканлигига далил ушбу исмлардан бошқа лафз келмаган ҳолда такрорланиш маъносини ўз ичига олганлигидир. Аслида такрорланиш маъноси мавжуд бўлса, лафз ҳам такрорланиши керак: *جَاءَنِي الْقَوْمُ ثَلَاثَةً ثَلَاثَةً* (қавм ҳузуримга учта – учта бўлиб келди) мисолидагидек. Бу ерда *ثَلَاثٌ*, *مَثَلَتْ* асли такрорланиб келувчи *ثَلَاثَةً* *ثَلَاثَةً* исмлари эканлиги билинди. Ушбу ҳолат хилофсиз ҳолда *مَوْحَدًا*, *أَحَادًا* – *مَثْنَى*, *ثَنَاءً*, *مَرْبَعًا* – *عُشْرًا*ларда ҳам шундай. Аммо улардан кейин келувчи сонлар то *عُشْرًا*, *عُشْرًا*гача такрорланиш маъносини ўз ичига олганлигида хилоф бор, тўғрироғи уларнинг шу маънони ифодалашидир.

أَخْرَجَ ва *أَخْرَجَ*нинг муаннаси бўлган *أَخْرَجَ*нинг жамъи, *أَخْرَجَ* ва *أَخْرَجَ* исми тафзил бўлиб “алиф лом”, изофа ва *مِنْ* калимаси ила ишлатилади. Булардан бирортаси ила ишлатилмаса унинг *أَخْرَجَ* ёки *أَخْرَجَ*дан адл қилингани маълум бўлади.

بُنِعَ, *كُنِعَ*, *بُصِعَ*нинг муаннаси бўлган *بُنِعَ*нинг жамъи, *بُنِعَ*нинг муаннаси бўлган *بُنِعَ*нинг қиёси: сифат бўлса *فُعُلٌ* вазнида жамъ қилинади, масалан: *حُمُرٌ حَمْرَاءٌ* вазнида бўлади. Агар исм бўлса *فَعَالَاتٍ* ёки *فَعَالَى* вазнларида жамъ қилинади. Масалан: *صَحْرَاوَاتٍ* ёки *صَحْرَاوَاتٍ* вазнларида бўлади; *بُنِعَ*нинг асли *بُنِعَ* ёки *بُنِعَ*нинг асли *بُنِعَ*нинг ўз аслларининг биридан чиққани эътиборга олинса, адл таҳқиқ топади.

Такдиран бўлиши ҳақида: Бунинг маъноси такдирда бўлган, фараз қилинган аслдан чиқиши керак. Такдирда бўлишига ва фараз қилинишига сабаб бўлувчи нарса фақатгина сарфдан манъ этилиши ила бўлади **زُفِرَ** каби. Бу исмларда асли **زَافِرٌ**, **عَامِرٌ** бўлиши такдирдадир. Ва яна **قَطَامٌ** **ر** мисолидагидек, яъни **فَعَالٍ** вазнида бўлган, таниқли аёлларга ном бўлган аламлар бўлиши ва **حَضَارٍ**, **طَمَارٍ** каби охири **ر** ҳарфи билан тугалланмаган бўлиши керак. Ушбу мисоллар Бани Тамим луғати бўйича адл қилинган бўлиб, **قَطَامٌ** аслида **قَطَائِمَةٌ** дан адл қилинган. Аҳли Ҳижоз наздида эса, булар мабний калималардирки, биз баҳс олиб бораётган мавзу доирасига кирмайди.

Фойда: Наҳв олимлари адл қилинганлиги эътибор қилинган лафзларни тадқиқ қилганларида ушбу лафзлар олти вазндагина келишини топганлар:

- 1- **م** ва **ع** нинг фатҳаси ила: **مَثَلْتُ** каби.
- 2- **ف** нинг заммаси ила: **ثَلَاثٌ** (ушбу икки вазн аввалги ўнталикнинг ададларидан бирида ишлатилади).
- 3- **ف** нинг заммаси ва **ع** нинг фатҳаси ила: **أَخْرَ، جُمِعَ، عُمِرَ، زُفِرَ**.
- 4- **فَعَلٌ** икки фатҳа ила: **سَحَرَ** (бу туннинг охири олтидан биридир, шарти муайян куннинг сахари ирода қилинган бўлишидир: **عَرَدَتِ الْبَلَابِلُ سَحَرَ** – булбуллар сахарда сайради).
- 5- **ف** нинг фатҳаси ва **ل** нинг касраси ила: **قَطَامٌ، حَذَامٌ، رَقَاشٌ** (аёлларнинг номлари), Тамим қабиласи **حَضَارٍ** каби **ر** ила тугалланмаслигини шарт қилган ҳолда ушбу сўзларни

сарфдан манъ қилади, Ҳижоз аҳли эса бу сўзларни касрага мабний қилади.

6- **ف**нинг фатҳаси ва **ع**нинг сукуни ила: **أَمْسِ** каби, бу сўз **ل**нинг ҳазфи ила адл қилингани учун Тамимликлар уни сарфдан манъ қиладилар, Ҳижоз аҳли эса, бу сўзни касрага мабний қилади.

(-۲) **الْوَصْفُ: شَرْطُهُ: أَنْ يَكُونَ فِي الْأَصْلِ، فَلَا تَضُرُّهُ الْغَلْبَةُ.**

Маъноси: (2-) Васф: Унинг шарти аслда бўлишидир, унга бошқа нарсанинг ғолиблиги зарар қилмайди.

Шарҳ: **الْوَصْفُ** (васф) бу исмнинг баъзи сифатлари ила олинган мубҳам зотга далолат қилувчи бўлишидир. Бу далолат қилиш **أَحْمَرُ** (қизил) сўзидаги каби аслий жиҳатданми? Ёки **أَرْبَعٍ** сўзидаги каби истеъмол жиҳатданми? фарқи йўқдир.

شَرْطُهُ (шарти), яъни сарфдан манъ бўлишнинг сабабидаги васфнинг шарти асл бўлишидир, асл бўлиши дегани, бирор сифатга далолат қилсин, деганидир.

Масалан **أَحْمَرُ** аслий сифат, **أَرْبَعٍ** сўзидаги **بَيْنَسْوَةٍ** аслий сифат эмас, аслида у сондир, бу сўз жумлада ишлатилгандан сўнг сифатга айланди. **فَلَا تَضُرُّهُ الْغَلْبَةُ** (унга бошқа нарсанинг ғолиблиги зарар қилмайди), яъни исмийликнинг васфийликка ғолиб бўлиши зарар қилмайди.

Масалан, **أَسْوَدُ** сўзи ҳар бир қоралиги бор нарсага ишлатилган, кейинроқ қора илонга нисбатан кўп ишлатиладиган бўлганки, ҳатто **أَسْوَدُ** сўзидан “қора илон” деган нарсани тушунилиши учун ҳеч қандай қарийнага эҳтиёж қолмаган. Бу ерда мана шундай ғолиблик назарда тутилган.

فَلِذَلِكَ: (الف) **صُرِفَ أَرْبَعٌ فِي: "مَرَرْتُ بِنِسْوَةِ أَرْبَعٍ"**

Маъноси: Шунинг учун **أَرْبَعٌ** сарф қилинганда **مَرَرْتُ بِنِسْوَةِ أَرْبَعٍ** қилинган.

Шарҳ: **أَرْبَعٌ**нинг сарф қилиниши, васфийат асл бўлмаганлигидандир.

(ب) **وَأَمْتَنَعَ أَسْوَدُ وَأَرْقَمُ: لِلْحَيَّةِ، وَأَذْهَمُ: لِلْقَيْدِ.**

Маъноси: (шунинг учун) **الْحَيَّةِ** (илон)га нисбатан ишлатилувчи **أَسْوَدُ** (қора), **أَرْقَمُ** (олачипор) ва **القَيْدِ**га нисбатан ишлатилинувчи **أَذْهَمُ** (қора)лар сарфдан манъ бўлган.

Шарҳ: **أَسْوَدُ** ва **أَرْقَمُ**ни аслий васфийатга далолат қилгани учун исмийлик унга ғолиб келса ҳам (**أَسْوَدُ** қора илонга нисбатан ишлатилади, **أَرْقَمُ** олачипор илонга нисбатан

ишлатилади) сарф қилиш жоиз эмас. Худди шунингдек, **أَدَّهْمُ**ни қораликни билдиргани учун темирдан бўлган кишанга нисбатан ишлатилса ҳам сарф қилиш жоиз эмас.

(ج) **وَضَعْفَ مَنْعُ أَفْعَى: لِلْحَيَّةِ، وَأَجْدَلَ: لِلصَّقْرِ، وَأَخْيَلَ: لِلطَّائِرِ.**

Маъноси: **أَفْعَى** (илон)га нисбатан ишлатилувчи **أَجْدَلَ** (кирпи), **الصَّقْرِ** (тентакқуш)га нисбатан ишлатилувчи (кўчма маънода “лочиндек”), **الطَّائِرِ** (қуш)га нисбатан ишлатилувчи **أَخْيَلَ** (кўкқарға)ларнинг сарфдан манъ бўлиши заифдир.

Шарҳ: **أَفْعَى**, **أَجْدَلَ**, **أَخْيَلَ** бу сўзларнинг ғойри мунсариф бўлиши заифдир, чунки улар аслий васфлар эканида жазм йўқ. Лекин баъзилар уларда васфнинг тасавури борлиги учун сарфдан манъ қилганлар. **أَجْدَلَ**да **الْحُبْتُ** (ёмонлик), **أَفْعَى**да **الْقُوَّةُ** (қувват), **أَخْيَلَ**да **الْحَالُ** (мағрурлик) маънолари тасаввур қилинган ҳолда феълнинг вазнига ўхшаши ва васф тасаввур этилгани учун сарфдан манъ қилганлар. Лекин сарф қилиниши машхуррокдир, чунки ушбу сўзлардаги васфият борлиги аниқ эмас.

(-۳) **التَّائِيْتُ: (ألف) بِالتَّاءِ، شَرْطُهُ الْعَلَمِيَّةُ.**

(ب) **وَالْمَعْنَوِيُّ كَذَلِكَ.**

Маъноси: Таънис: ة харфи ила (бўлади), шарти алабийликдир (алам бўлиши, аламга дахлдор бўлишидир).

Маънавий ҳам шундай (алам бўлиши, аламга дахлдор бўлишидир).

Шарҳ: التَّائِيْتُ: яъни калиманинг муаннас бўлиши, икки навга бўлинади: лафзий ва маънавий.

Лафзий: "Бу ўзида таънис аломати бор калима, طَلْحَةَ каби музаккар номга ишлатилса ҳам.

Маънавий: "Бу муаннасга хос бўлади, лекин унда أُمُّ мисолидаги каби муаннас аломати бўлмайди ёки أَرْضٌ каби муаннас ҳолда эшитилган бўлади. Таънис аломатлари учтадир:

ة марбута: كَاتِبَةٌ, "алиф"и мақсура: كُبْرَى, "алиф"и мамдуда: حَمْرَاءُ.

ة марбута ила ҳосил бўлувчи таъниснинг шарти алабийликдир (алам бўлиши, аламга дахлдор бўлишидир). Таънисга далолат қилувчи ҳаракатли зоида ة ила тугалланувчи ҳар бир алам бутунлай сарфдан манъ бўлади. طَلْحَةَ، فَاطِمَةُ каби.

Аммо "алиф" ила таънисликни ҳосил қилган исмда алабийлик шарт қилинмаган.

Маънавий таънис ҳам лафзий таънис каби ة марбута ила алабийликни шарт қилишда бир хилдир, фақат уларнинг орасида қуйидагича фарқ бор:

Лафзий таънисда ё марбута ила алабийлик сарфдан манъ қилиши вожиб бўлишига шарт қилингандир.

Маънавийда бу нарса сарфдан манъ қилиш жоиз бўлишига шарт қилинган, унинг вожиб бўлишидаги шарт ҳақида қуйида сўз юритилади.

وَشَرْطُ تَحْتَمِ تَأْثِيرِهِ: الزِّيَادَةُ عَلَى الثَّلَاثَةِ، أَوْ تَحْرُكُ الأَوْسَطِ، أَوْ العُجْمَةُ. فَهَذَا يَجُوزُ صَرْفُهُ،
وَزَيْنَبُ، وَسَقَرُ، وَمَاهُ، وَجُورُ مُتَمَعٍ.
(قاعدة) فَإِنْ سُمِّيَ بِهِ مُدَكَّرًا، فَشَرْطُهُ الزِّيَادَةُ عَلَى الثَّلَاثَةِ، فَقَدَمَ مُنْصَرَفًا، وَعَقْرَبُ مُتَمَعٍ.

Маъноси: Таъсири буткул бўлишининг шarti, (харфлари) учтадан зиёда бўлиши, ўртасидаги (харфи) ҳаракатли бўлиши ёки ўжма (ажамий исм) бўлишидир.

Бас, ҳиннинг сарфи жоиз, جُورُ، مَاهُ، سَقَرُ، زَيْنَبُларнинг сарфи манъ бўлгандир.

Қоида: Музаккар у (маънавий муаннас) ила номланса, шarti учтадан (харфлари) зиёда бўлишидир, бас قَدَمٌ мунсариф, عَقْرَبُ сарфдан манъ бўлади.

Шарҳ: سُمِّيَ سُؤُزِي الأَمْرُ تَحْتَمِдан олингандир, яъни “иш шартли равишда вожиб бўлди, амалдан қолиши мумкин эмас” деганидир. Маънавий таънисни вужубан сарфдан манъ қилиш учун қуйидаги уч нарсадан бири шарт қилинади:

1. Ҳарфлари учта ҳарфдан ошади زَيْنَبُ، سَعَادُ، каби.

2. Агар сулосий бўлса ўртадаги ҳарфи ҳаракатли бўлади *سَقَرٌ، فَمَرٌ* каби.

3. Агар сулосий бўлса ва ўртадаги ҳарфи ҳаракатли бўлмаса ажамий бўлиши шарт қилингандир. *جَوْزٌ، مَاءٌ* (шаҳар номлари) каби.

*هِنْدٌ*да шартлар нафий бўлгани учун сарфи жоиздир, ушбу исмда икки сабаб (таънис ва алабийлик) бор бўлгани учун сарфдан манъ қилиниши ҳам мумкин. Қолган исмларда вожиб бўлиш шартлари бўлмагани учун сарф қилиш жоиз эмас. Музаққар (эркак зоти) маънавий муаннас ила номланганда, яъни бирор киши *قَدَمٌ* ёки *عَقْرَبٌ* деб номланганда (бу икки сўз самоъий муаннаслар) сарфдан манъ бўлиши учун уч ҳарфдан зиёдалиги шарт қилинади *عَقْرَبٌ* каби, *قَدَمٌ*да зиёдалик бўлмагани учун мунсарифдир.

(-٤) الْمَعْرِفَةُ: شَرْطُهَا أَنْ تَكُونَ عَالِمِيَّةً.

Маъноси: (4-) Маърифа: шарти алабий бўлишидир.

Шарҳ: Маърифалар еттитадир, улар: Аламлар, замирлар, мавсулалар, исми ишоралар, “алиф лом” ёки нидо ила маърифа бўлган, маърифалардан бирига музоф бўлганлардир.

Бу ерда сарфдан манъ қилувчи фақатгина аламлардир, бошқа маърифалар сарфдан манъ бўлишга сабаб бўлмайди.

(۵-) الْعُجْمَةُ: شَرْطُهَا: أَنْ تَكُونَ عَلَمِيَّةً فِي الْعُجْمَةِ، وَتَحْرُكُ الْأَوْسَطِ، أَوْ الزِّيَادَةُ عَلَى الثَّلَاثَةِ، فَنُوحٌ مُنْصَرَفٌ، وَشَتْرٌ وَإِبْرَاهِيمُ مُمْتَنِعٌ.

Маъноси: Ёужма (ажамий исм бўлишидир).

Шарти: ажамий алам бўлиши, ўртаси ҳаракатли бўлиши ёки учтадан зиёда бўлишидир. Бас نُوحٌ мунсариф, شَتْرٌ ва إِبْرَاهِيمُ сарфдан манъ бўлган.

Шарҳ: الْعُجْمَةُ бу араблардан бошқаларнинг сўзидир (араблар бу сўзларни бошқа халқлардан олганлар).

Сарфдан манъ қилиши учун икки шарт бор:

Биринчиси: ажамлар тилида алам бўлиши, иккинчиси: уч ҳарфдан зиёда бўлишидир إِبْرَاهِيمُ، إِسْمَاعِيلُ каби ёки ўртадаги ҳарфи ҳаракатли бўлишидир شَتْرٌ (қалъанинг номи).

نُوحٌ، لُوطٌ кабилар ўртаси сукукли бўлгани учун мунсарифдир.

(۶-) الْجُمُعُ شَرْطُهُ: صِيغَةُ مُنْتَهَى الْجُمُوعِ، بِغَيْرِ هَاءٍ، كَمَسَاجِدَ وَمَصَابِيحَ: وَأَمَّا فَرَاذِنُهُ فَمُنْصَرَفٌ.

Маъноси: (6-) Жамъ: шарти: мунтаҳал жумуъ (калималарни жамъ қилишнинг охирги) сийғаси، هـ ҳарфининг иштирокисиз бўлишидир مَسَاجِدَ ва مَصَابِيحَ каби.

Аммо **فَرَاذِنَةٌ** мунсарифдир.

Шарҳ: Жамъ икки сабабни ўрнини босувчидир.

Унинг шарти, охирги жамъ бўлишидир, яъни аввалги икки ҳарфи фатҳали, учинчиси “алиф” ёки ундан кейин икки идғом қилинган ёки идғом қилинмаган икки ҳарф, ёки ўртадагиси сукунли бўлган уч ҳарф бўлишидир: **مَسَاجِدَ، مَصَابِيحَ، دَوَابَّ،** каби.

Аввалида **م** ҳарфи бўлиши шарт қилинмаган. Бас **ضَوَارِبَ،** мунсариф бўлмайди. Лекин вақф ҳолатида **ة** таънисдан **ه**га айланган ҳарфнинг бўлмаслиги шарт қилинади, **فَرَاذِنَةٌ** (шахмат ўйинидаги фарзиннинг номи) каби.

(فَائِدَةٌ) وَحَصَاجِرُ: عَلَمًا لِلصَّبْعِ غَيْرِ مُنْصَرِفٍ، لِأَنَّهُ مَنْقُولٌ عَنِ الْجَمْعِ.
 (فَائِدَةٌ) وَسَرَاوِيلُ: إِذَا لَمْ يُصْرَفْ – وَهُوَ الْأَكْثَرُ – فَقَدْ قِيلَ: أَعْجَمِيٌّ حُمَلٌ عَلَى مُوَازِنِهِ،
 وَقِيلَ عَرَبِيٌّ: جَمْعُ سِرْوَالَةٍ: تَقْدِيرًا، وَإِذَا صُرِفَ فَلَا إِشْكَالَ.

Маъноси: **حَصَاجِرُ:** бу сиртлонга нисбатан ишлатилувчи мунсариф бўлмаган алам, чунки бу исм жамъдан олингандир.

(Фойда) **سَرَاوِيلُ:** сарф қилинмаслиги ҳақида айтилган. Бу ҳолат кўпроқ учрайди. “Бу сўз ажамий бўлиб (жамънинг) вазнларида кўчирилган”, ва яна: “Бу сўз арабий бўлиб, тақдиран **سِرْوَالَةٍ** (иштон матоси)нинг жамъидир” дейилган. Бу сўз сарф қилинса ҳеч гап йўқ.

Шарҳ: حَضَائِرُ бу сиртлонга нисбатан ишлатиладиган алами жинс бўлиб, бирлик ва кўплика ҳам ишлатилади. Унда жамликни ифодалаш йўқ, шу сабабдан у мунсариф бўлиши керак. Лекин у ғойри мунсарифдир, бунинг сабаби у аслида жамъликни ифодалайди. Чунки у аслида “катта қоринли” маъносини ифодаловчи حَضَائِرُнинг жамъидир. Сўнгра бу исм ила қорни катталиги учун сиртлон ҳам номланган, бас у аслида жамъ бўлгани учун ғойри мунсариф, агар жамъликни ифодаламасам ҳам.

سَرَاوِيلُ бу исмда ҳеч қандай ҳолатда жамъликни ифодалаш йўқдир, чунки у форсча бўлган араб тилида эъробланувчи “шалвор” сўзидир. Ундай бўлса нима учун бу исм ғойри мунсариф?

Аслида бу ҳақда ихтилоф бордир, сарф қилинса ҳеч гап йўқ, аммо сарф қилинмаслиги кўпроқ учрайди:

“Ушбу исм жамънинг вазнларида кўчирилган, яъни أَنَاعِيمَ، مَصَائِيحَ каби араб тилидаги жамънинг вазнларида кўчирилган, уларнинг (жамъларнинг) ҳукмида қилинган” деб айтилган. Ва яна: “Бу арабий исм бўлиб, фараз қилинган, тақдир қилинган ҳолда سِرْوَالَةٌ (иштон матоси)нинг жамъидир, سِرْوَالٌнинг ҳар бир бўлаги سِرْوَالَةٌ деб номланган, сўнгра سَرَاوِيلُ қилиб жамъланган” дейилгандир.

[فَائِدَةٌ] وَنَحْوُ: جَوَارٍ: رَفْعًا وَجَرًّا كَقَاضٍ.

Маъноси: جَوَارٍ каби сўзлар قَاضٍ кабидек рафъ ва жорда (ғойри мунсарифдир).

Шарҳ: Манқус исмларнинг *جَوَارِي* (жарийе) ва *دَوَاعِي* (дауаийе) каби *فَوَاعِل* вазнидаги ҳар бир жамъи – олиқ ёки олиқ бўлмасин – рафъ ва жор ҳолатида *القَاضِي* кабидир. Ушбу исмларга танвин киритилганида *جَوَارِي* ва *جَوَارِي* қилиб, насб ҳолатида *رَأَيْتُ جَوَارِي* қилиб фатҳали мутаҳаррик *ي* ила айтилади. Насб ҳолатида бу исмлар жамънинг охири бўлгани учун ғойри мунсарифдир. Рафъ ва жор ҳолатларида сарф бўлиш бўлмаслиги ҳақида ихтилоф қилинган.

(۷-) التَّرْكِيْبُ: شَرْطُهُ الْعِلْمِيَّةُ، وَأَنْ لَا يَكُونَ بِإِضَافَةٍ، وَلَا إِسْنَادٍ، مِثْلُ بَعْلَبَكَّ.

Маъноси: (7-) Таркиб у – шарти изофа ва исноддан ҳоли бўлган алабийлик бўлиб, *بَعْلَبَكَّ* кабидир.

Шарҳ: *التَّرْكِيْبُ*дан мурод мазожий (аралаш) таркибдир. Бу нарса икки калиманинг токи бир калимага айлангунича изофа ва исноддан ҳоли ҳолда бир – бирига қўшилишидир. Иккинчи калима овоз ёки атф ҳарфини ўз ичига олган бўлмаслиги керак, шу сабабдан *زَيْدٍ*,

عَلَامٌ زَيْدٍ (алам), *تَأَبَّطَ شَرًّا* (алам), *سَبِيئُونَةٌ*, *عَشْرَ* лар мунсарифдир.

Аввалги калиманинг охири: *بُؤْرَسَعِيدٌ* (Саиднинг мисрдаги порти), *نِيُؤِيرَكُ* (АҚШдаги шаҳар номи) каби сукунли бўлади, гоҳида *بَعْلَبَكَّ* (Ливандаги шаҳар номи), *حَضْرَمَوْت* (Ямандаги шаҳар номи) бўлиб, бу кўпроқ учрайди ва фатҳали бўлади.

Шу таркибга ўхшаш таркиблар алам бўлиш шарти ила сарфдан манъ этилишига сабаб бўлади.

(-۸) الْأَلْفُ وَالنُّونُ:

(الف) إِنْ كَانَتْ فِي اسْمٍ: فَشَرْطُهُ الْعَلَمِيَّةُ، كَعِمْرَانَ.

(ب) أَوْ صِفَةٍ: فَانْتِفَاءُ فَعْلَانَةٍ، وَقِيلَ: وَجُودُ فَعْلَى.

وَمِنْ ثَمَّ: اخْتِلَافَ فِي الرَّحْمَانَ، دُونَ سَكْرَانَ، وَنَدْمَانَ.

Маъноси: (8–)

(а) “Алиф ва нун” исмда бўлса, шарти **عِمْرَانَ** мисолидагидек алабийликдир.

(б) Сифатда (бўлса), **فَعْلَانَةٍ** вазнида бўлмаслиги ва яна “**فَعْلَى** вазнида бўлиши” дейилган. Шу сабабли **الرَّحْمَانَ** да ихтилоф қилинган, **سَكْرَانَ** ва **نَدْمَانَ** да эмас.

Шарҳ: Зоида “алиф ва нун” **قَحْطَانَ**, **مَرْوَانَ**, **عِمْرَانَ** каби исмда келганида (исм сифатни қабул қилувчидир) шарти алабийлик бўлади. Агар сифатда келса **فَعْلَانَةٍ** бўлмаслигидир, яъни унга **ة** таънис кирмаслиги, ва яна унинг муаннаси **فَعْلَى** вазнида бўлишидир” ҳам дейилган. Шунинг учун **رَحْمَانَ** да ихтилоф қилинган, чунки унинг **رَحْمَى** ёки **رَحْمَانَةٌ** деган муаннаси йўқ, ушбу сифат фақатгина Улуғ Аллоҳгагина хос сифат бўлиб, У Зотдан бошқага, музаккарга ҳам муаннасга ҳам ишлатилмайди. Бас, аввалги мазҳабга кўра ушбу исм ғойри мунсарифдир. Иккинчи мазҳабга кўра, у мунсарифдир.

Иккала мазҳабнинг шартлари мавжуд бўлгани учун سُكْرَان нинг ғойри мунсарифлигида хилоф йўқ, унинг муаннаси سُكْرَانِي бўлиб, سُكْرَانَةٌ эмас. Худди шундай иккала мазҳабнинг шартлари мавжуд бўлгани учун نَدْوَان нинг мунсарифлигида хилоф йўқ, чунки унинг муаннаси نَدْوَانَةٌ дир. Бу ҳолат نَدِيمٌ , نَدْوَان (дўст, соҳиб) маъносида келганда бўлади, аммо نَادِمٌ (надомат қилувчи) маъносида келса, у иттифоқ ила ғойри мунсарифдир. Чунки унинг муаннаси نَدْمِي дир, نَدْمَانَةٌ эмас.

(۹-) وَزْنُ الْفِعْلِ , شَرْطُهُ :

(الف) $\text{أَنْ يُخْتَصَّ بِهِ كَشَمَّرَ}$, وَضُرِبَ .

(б) $\text{أَوْ يَكُونَ فِي أَوَّلِهِ زِيَادَةٌ كَزِيَادَتِهِ}$, $\text{غَيْرَ قَابِلٍ لِلتَّاءِ}$.

$\text{وَمِنْ ثَمَّ: امْتَنَعَ أَحْمَرٌ}$, $\text{وَأَنْصَرَفَ يَعْمَلٌ}$.

Маъноси: (9–) Феълнинг вазни ва унинг шarti:

(а) شَمَّرَ (отнинг исмига ҳам ишлатилади) ва ضُرِبَ (инсоннинг исмига ҳам ишлатилади) каби феълга хос бўлишидир.

(б) Ёки аввалида (феълнинг) зиёдаси каби зиёдаси бўлиши ва ه харфини қабул қилмаслигидир. Шу сабабдан أَحْمَرٌ (қизил) сарфдан манъ бўлган ва يَعْمَلٌ сарфдан манъ бўлмаган.

Шарҳ: Феълнинг вазнида бўлиши ва бу феъл вазнларидан деб ҳисобланган бирор вазнда исмнинг келишидир. Унинг вазлари кўп бўлиб, улар орасидан мўътабари икки вазндир:

Аввалгиси фақат феълга хос бўлиб, ундан бошқаларга жуда нодир ҳолатлардагина ишлатилади.

Масалан **تَفْعِيلٌ** бобининг маълум мозий сийғасида келувчи **فَعَّلَ** феълдир.

Бунинг бу исм **تَشْمِيرٌ** (вазминлик ила ўтиш)дан нақл қилинган бўлиб, отга алам қилингандир, **ضَرَبَ** бу исм мафъулга бино қилинган бўлиб, бирор шахсга алам қилинганда алабийлик бўлади ва феълнинг вазнида келиши сабабидан сарфдан манъ этилади.

Иккинчиси феъл экани ғолиброқ бўлган вазн бўлиб, унинг аввалида **أَتَيْنَ** (музореъат) ҳарфларидан бирор ҳарф бўлади, **أَحْمَرُ** каби. Яна бир шарти **ة** ҳарфини қабул қилмаслигидир. Шу сабабдан **يَعْمَلُ** ва **نَصِيرٌ** сарф бўлади, чунки унинг муаннаси **ة** ҳарфини қабул қилади. **يَعْمَلَةٌ** ишлашга ва юришга қувватли бўлган туяга нисбатан ишлатилади, **نَصِيرَةٌ** ёрдам берувчи аёлга нисбатан ишлатилади.

(قاعدة) وَمَا فِيهِ عِلْمِيَّةٌ مُؤَثَّرَةٌ: إِذَا نُكِرَ صُرِفَ.

(وجهه) لِمَا تَبَيَّنَ: مِنْ أَنَّهَا لَا تُجَامَعُ مُؤَثَّرَةٌ إِلَّا مَا هِيَ شَرْطٌ فِيهِ، إِلَّا الْعَدْلَ وَوَزْنَ الْفِعْلِ، وَهُمَا مُتَضَادَّانِ، فَلَا يَكُونُ مَعَهَا إِلَّا أَحَدُهُمَا، فَإِذَا نُكِرَ بَقِيَ بِلَا سَبَبٍ، أَوْ عَلَى سَبَبٍ وَاحِدٍ.

Маъноси: (Сарфдан манъ бўлишда) таъсир қилувчи алабийлиги бор бўлган (ғойри мунсариф исм) накрага айлантирилганида, сарф қилинади.

(Усули ғойри мунсарифликдан мунсарифликка ўтишдир).

Олдин келган гаплардан ойдин бўлдики, (аламийлик) фақатгина ўзи шарт бўлган ҳолда (бошқа иллатлар билан бир ғойри мунсариф исмда) жамъ бўлади. Фақат адл ва феълнинг вазнида эмас, (улар билан келганида, аламийлик таъсир қилувчи бўлади холос), ушбу икки иллат бир-бирига зид бўлиб, аламийлик ҳар доим икковининг бири билангина келади. Бас, аламийлик накра қилинганида (биринчи кўринишда сарфдан манъ бўлишга) сабабсиз қолади ёки (иккинчи кўринишда сарфдан манъ бўлишга) биргина сабаб билан қолади.

Шарҳ: Ҳар бир аламийят ва бошқа иллат сабабидан сарфдан манъ бўлган ғойри мунсариф исм накрага айлантириш ила аламийлиги йўқ бўлганда, мунсариф исмга айланади. Чунки, сарфни манъ қилувчи икки иллатдан бир иллат йўқ бўлса, қолган бошқа иллат сарфдан манъ бўлишни тақозо этмайди.

Масалан: رَبُّ فَاطِمَةَ / إِبْرَاهِيمَ / أَحْمَدُ / مَعْدِيكَرِبٍ / عَطْفَانٍ / عَمْرٍ

Билгинки, аламийлик таркиб ила бир исмда келган “алиф ва нун” ила ёки маънавий ҳамда ة билан келган таънис ила ва тужма ила келгандагина сарфдан манъ бўлади. Булар ила келганда аламийлик сарфдан манъ бўлишда “шарт” бўлади, “таъсир қилувчи” эмас. Бас алам накра қилинганида исм сарфдан манъ бўлишга сабабсиз қолади. Ва яна аламийлик феълнинг вазни ва адл ила сарфдан манъ қилади. Аммо булар ила келганида аламийлик сарфдан манъ этишда “таъсир қилувчи” бўлади, “шарт” эмас. Бас, алам накра қилинганида исм сарфдан манъ бўлишга биргина сабаб билан қолади, биргина сабаб эса сарфдан манъ қилишга кифоя қилмайди. Агар: “Аламийлик

бор исмда адл ва феълнинг вазни бор бўлса, алабийлик накра қилинганидан сўнг ҳам икки иллат қолгани учун ўша исм сарфдан манъ бўладими?” дейилса, айтамикки: “Адл ва феълнинг вазни ўзаро бир-бирига зид бўлгани учун алабийлик ҳар доим икковининг бири билангина келади. Шунда алабийлик накра қилинса, исмининг ғойри мунсариф бўлишига биргина сабаб қолади. Биргина сабаб эса, сарфдан манъ бўлишига кифоя қилмайди.

Матндаги “(алабийлик) фақат ўзи шарт бўлган ҳолдагина (бошқа иллатлар билан бир ғойри мунсариф исмда) жамъ бўлади” жумласидаги алабийлик, ўзи шарт бўлиб келувчи ўринлардаги таънис, лафзан و ила ёки маънан таънис ила, ъужма ила, таркиб ила ва зоида “алиф ва нун” ила бўлади. Ушбу тўрт сабаблардан ҳар бирида ғойри мунсарифлик учун алабийлик шарт. “Фақат адл ва феълнинг вазнида эмас” жумласидаги алабийлик عُمَرُ، أَحْمَدُ мисолларидаги каби адл ва феълнинг вазнидаги исмга таъсир қилувчи бўлиб киради. ثَلَاثٌ، أَحْمَرٌ мисолларидаги каби шарт бўлиб кирмайди.

(اختلاف سيبويه) وَخَالَفَ سَيْبَوِيهِ الْأَخْفَشَ فِي مِثْلِ أَحْمَرَ عَلَمًا: إِذَا نُكِّرَ، اِعْتِبَارًا لِلصِّفَةِ
الأصلية بَعْدَ التَّنْكِيرِ.

وَلَا يَلْزَمُهُ بَابُ حَاتِمٍ، لِمَا يَلْزَمُ مِنْ اِعْتِبَارِ الْمُتَضَادِّينِ فِي حُكْمٍ وَاحِدٍ.

Маъноси: (Сийбавайхнинг ихтилофи):

Сийбавайх Ахфашга أَحْمَرٌ ва шу каби исмлар алам бўлиб келган ҳолда накра қилинганида ва накра қилинганидан

кейин аслий васфият бу исмларда бўлишини эътиборга олиб, хилоф қилган. Сийбавайхнинг фикрига биноан **بَابُ حَاتِمٍ** ҳам **أَحْمَرٌ** каби ғойри мунсариф бўлиши лозим. Аммо **بَابُ حَاتِمٍ**ни ғойри мунсариф дейиши, унга лозим эмас, чунки бу ҳолатда Сийбавайхга, икки бир-бирига зид нарсани бир ҳукмда, деб эътиборга олиши лозим бўлиб қолади.

Шарҳ: Сийбавайхнинг шогирди бўлган Ахфаш ал-Авсат: “**أَحْمَرٌ** ва шу каби исмлар алам бўлиб келганида, алабийлик ва феълнинг вазни сабабидан ғойри мунсариф бўлади. Накра қилинганида эса, мунсарифга айланади. Ушбу исмнинг васфияти алабийлик ила йўқ бўлган эди, алабийлиги эса накра қилингач йўқ бўлган. Зарурат бўлмаса, бу ҳолатда васфият эътиборга олинмайди, бас шунда исмда фақатгина бир сабаб, феълнинг вазни қолди. Бир сабаб билан эса исм сарфдан манъ бўла олмайди”, деган.

“**أَحْمَرٌ** ва шу каби исмлар”дан мурод алабийликдан олдин васфийлик зоҳир бўлган исмлар бўлиб, беркитилган эмас. Бундай исмларга **سُكْرَانٌ** ва шу каби исмлар ҳам киради.

Сийбавайх эса хилоф қилиб: “Накра қилингандан сўнг бу исмларда аслий васфият эътиборга олинади ва икки иллат бор бўлгани учун ғойри мунсариф бўлади” деган.

Сийбавайх накра қилингандан сўнг аслий васфият қайтишини эътиборга олгани учун **بَابُ حَاتِمٍ**ни ҳам алабийлик ва васфият борлиги учун ғойри мунсариф дейиши лозим эди. Аммо мусанниф роҳимаҳуллох: “Бу нарса Сийбавайхга лозим эмас”, демоқдалар. Чунки, алабийлик билан васфиятни бир исмда эътибор қилиш бир исмда бир-бирига

зид икки иллатни жамъ қилишдир. Бас, бу нарсани эътибор қилинмайди. **أَحْمَر** да накраликдан кейин васфийатни эътибор қилиш мумкин, **حَاتِم** да эмас. **حَاتِم** дан мурад аслида васф бўлган ҳар бир аламдир. Масалан: **هَاشِمٌ، قَاسِمٌ، نَاطِمٌ**.

حَاتِم бу **القَاضِي** (қози) дегани, **حَتَمَ** (фалон нарсага ҳукм қилди)дан олинган.

(قَاعِدَةٌ) وَجَمِيعُ الْبَابِ بِاللَّامِ، أَوْ بِالِإِضَافَةِ يَنْجَرُ بِالْكَسْرِ.

Маъноси: Бобларнинг (ғойри мунсарифларнинг) ҳаммаси “алиф лом” ёки “изофа” сабабидан касра ила жор бўлади.

Шарҳ: Ҳар бир ғойри мунсариф исмга таъриф “лом”и кирганида ёки ўзидан бошқага изофа қилинганида мажрур бўлади. Масалан: **فِي الْمَسَاجِدِ / مَسَاجِدِهِمْ**.

Аммо танвин “алиф лом” ва изофа қилинган исмда бўлмайди.